


А Ж Р И М

2021 йил июнь ойининг 30 куни, жиноят ишлари бўйича Юнусобод туман суди, Юнусобод туман “Анорзор” маҳалла фуқаролар йиғини биносида, очик сайёр суд мажлисида, судья О. [REDACTED] раислигида, судья ёрдамчиси А. [REDACTED] котиблигида, Юнусобод туман прокурори катта ёрдамчиси Р.Қудратиллаев, химоячи Д.Мажидова судланувчи М.Мирхосилов ва жабрланувчи Р.Абдухаликовларнинг иштирокида,



истиқомат қилувчи, эҳтиёт чораси қўлланилмаган, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчига оид 1-1004-2105/287-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Дастлабки терговда аниқланган ҳолатга кўра, М. [REDACTED] 2021 йил 19 апрель куни соат тахминан 12:30ларда Юнусобод тумани 11-мавзе, Ахмат Дониш кўчаси 47А-уйда [REDACTED] “Anex Tour” МЧЖ биносида [REDACTED], Абдурахмонов [REDACTED] Зарипович ва [REDACTED] билан ўрталаридаги мавжуд бўлган [REDACTED] сабабли [REDACTED] қолиб, Р.Абдухаликовнинг қорин соҳасига пакки пичоқ билан енгил тан жароҳати етказганлиги аниқланган.

Натижада Р.Б. [REDACTED] олган тан жароҳати билан Яшнобод тумани 4-сон шаҳар клиник шифохонасига ётқизилган.

2021 йил 20 апрель куни М.А. [REDACTED] Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан жиноят ишида гумон қилинувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган.

Ўтказилган Суд-тиббий экспертизасининг 26.04.2021 йилги 2092-сонли хулосасига кўра, Р.Б. [REDACTED] танасидаги жароҳатлар қорин чап ёнбош соҳаси кўплаб санчилган-кесилган яралар; чап периорбитал соҳаси гематомаси. Бу жароҳатлар ўтмас қаттиқ ва ўткир санчувчи-кесувчи симлар таъсиридан текширилувчи баён қилган, тиббий ҳужжатлар ва қарорда кўрсатилган вақтида ҳосил бўлган бўлиши мумкинлиги, оғирлик даражасига кўра юқоридаги жароҳатлар асоратсиз кечганда соғлиғини қисқа муддатга яъни 6 кундан ортиқ, аммо 21 кундан кўп бўлмаган муддатда бузилишига олиб келишини инobatга олиб “СОҒЛИҚНИНГ ҚИСҚА МУДДАТДА БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛГАН ЕНГИЛ” тан жароҳати деб баҳоланган.

Қайта ўтказилган Суд-тиббий экспертизасининг 25.05.2021 йилги 01-04/437-сонли хулосасига кўра, Р.Б.Абдухаликовнинг танасидаги санчилган-кесилган жароҳатлар одатда соғлиқнинг 6 кундан кўп, аммо 21 кундан ортиқ бўлмаган муддатга бузилишига олиб келиши, шу белгиларга кўра оғирлик даражаси бўйича “СОҒЛИҚНИНГ ҚИСҚА МУДДАТДА БУЗИЛИШИГА ОЛИБ КЕЛГАН ЕНГИЛ” тан жароҳатлари гуруҳига



киритилиши ва 26.04.2021 йилги “РСТЭИАМ” Тошкент шаҳар филиали амбулатория бўлимида ўтказилган 2092-сонли суд-тиббий экспертиза, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Ўзбекистон Республикасида Суд-тиббий экспертиза фаолиятини белгиловчи меъёрий ҳужжатлар тўғрисидаги 01.06.2012 йилдаги 153-сонли буйруғининг қоида ва талабларига риоя қилинган ҳолда методик жиҳатидан тўғри ўтказилганлиги ҳамда баҳоланганлиги аниқланган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 104-моддаси 1-қисми билан кўзгатишган жиноят иши суд-тиббий экспертизасининг 26.04.2021 йилги 2092-сонли хулосаси, қайта ўтказилган Суд-тиббий экспертизасининг 25.05.2021 йилги 01-04/437-сонли хулосасига, жабрланувчи Р.Б.Абдухаликовнинг кўрсатмаси ҳамда гувоҳларнинг кўрсатмасига асосан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмига қайта малакаланган.

Гумон қилинувчи М. [] суд мажлисида, ярашув тўғрисида ариза тақдим қилиб, айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, жабрланувчига етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлиги, ҳозирда жабрланувчи билан ярашиб олганлиги ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Жабрланувчи Р.Б. [] судга ярашув тўғрисидаги аризасини тақдим қилиб, унда М. [] нисбатан унинг ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги, аризани ўз хоҳиши билан ёзганлиги, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганини билдириб, жиноят ишини тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчилар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Р.Б. [] ҳамда гумон қилинувчи М. [] ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, Юнусобод туман прокурорининг жиноят ишини ярашганлик муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрини эшитиб, гумон қилинувчи М. [] айбига иқрорлиги, етказилган зарарнинг тўлиқ қопланганлиги, ярашув, гумон қилинувчи ва жабрланувчиларнинг бирон-бир тазйиқсиз, ўз хоҳиши билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноят, ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инобатга олиб, М.Мирхосиловга нисбатан жиноят ишини, ярашганлик муносабати билан тугатишни лозим топади.

Суд, жабрланувчи Р.Б. [] Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддаси 5-қисмига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг, улар мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Шунингдек, суд ажрим кучга киргач ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона пакки пичоқни йўқ қилишни лозим топади.



Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан гумон қилинувчи [REDACTED] [REDACTED] [REDACTED] ўғлига нисбатан жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан томонларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи Р. [REDACTED] мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш юзасидан илтимоснома бериш ҳуқуқи йўқолганлиги тушунтирилсин.

Ажрим кучга киргач, ашёвий далил деб эътироф этилган бир дона пакки пичоқ йўқ қилинсин.

Ажримдан норози тарафлар йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдирилиши мумкин.

Раислик қилувчи, судья

(имзо)

О. Ҳайитов

Нусхаси аслига тўғри, судья :

